

O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Samarqand tumani
НОКИМИ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ХОКИМА
Самаркандского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

2013 у.г. “23” июл

№ 707-к

Самарқанд т-р Самарқанд

Фуқаро Расулова Нигинага Хитой технологиялари асосида муқобил ёқилғилардан фойдаланадиган иссиқхона қуриш учун 1,0 га ер майдони ажратиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги “озик-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорларини тўлдиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1047-сонли қарори, Самарқанд Марказий ўрмон хўжалигининг 2013 йил 30 апрелдаги умумий йиғилиш баёни, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг 2013 йил 21 июндаги 58-сонли хулосаси, Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2013 йил 11 июндаги 545-сонли хулосаси, ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси ва фуқаро Расулова Нигинанинг туман ҳокими номига ёзган аризасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23- моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг фуқаро Расулова Нигинага Хитой технологиялари асосида муқобил ёқилғилардан фойдаланадиган иссиқхона қуриш ҳақидаги 2013 йил 21 июндаги 58-сонли хулосаси, Самарқанд Марказий ўрмон хўжалигининг 2013 йил 30 апрелдаги умумий йиғилиш баёни ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Расулова Нигинага Хитой технологиялари асосида муқобил ёқилғидан фойдаланадиган иссиқхона қуриш учун Самарқанд Марказий ўрмон хўжалиги ер харитасининг 21-контуридан жами 1,0 га (шундан: 1,0 га қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган) ер майдони ажратилсин.

3. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2014 йил 1 январ ҳолатидаги ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (О.Исмоилов) ва туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Т. Шаропов)га топширилсин.

4. Ушбу қарор бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б. Қодиров зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Садуллаев